

ШАРТНОМА № 1

Андижон шаҳри

«21» ноябрь 2022 йил

Уз Низомига асосан фаолият юритувчи “Asl Standart invest 2000” бундан буён «Сотувчи» деб юритилади, унинг номидан раҳбар И.Кутликов бир томондан ва Хўжаобод туман МТМ бўлими раҳбари Н.Мирзакаримова иккинчи томондан бундан буён «Харидор» деб юритилади, қуйидаги мазмунда шартнома туздик:

1. Шартнома предмети.

1.1 «Сотувчи» узига тегишли бўлган ва келишилган қуйидаги молларни етказиб беради, «Харидор» эса Ушбу молларни қабул қилиб олиб ҳисоб китоб қилади.

| № | Махсулотнинг номи | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Умумий қиймати |
|---|---------------------------|---------------|---------|---------|----------------|
| 1 | Чиқиндилар учун контейнор | дона | 27 | 3600000 | 97 200 000 |
| | Жами | | | | 97 200 000 |

Шартноманинг умумий суммаси: 97 200 000 (Туксон етти миллион икки юз минг сум)

2. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби.

2.1 Ҳисоб-китоб «Харидор» томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

2.2 Шартнома кучга кириб, тегишли газначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтгандан сўнг 5 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30 % ни яъни 29 160 000 (Йигирма туккиз миллион бир юз олтмиш минг) сумини олдиндан аванс тариқасида «Сотувчи»нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.

2.3 Колган охириги 70 % ни ёки 68 040 000 (Олтмиш саккиз миллион қирк минг) сумни «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб-варақ фактуралари асосида 30 кун ичида утказиб беради.

2.4 «Харидор» томонидан 30 % ни олдиндан тулов амалга оширилгандан сўнг «Сотувчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти, талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1 «Харидор» нинг ҳуқуқлари:

«Сотувчи»дан шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминланишини талаб қилиш:

Олинадиган махсулотлар «Харидор» га унинг транспортида ташилганда «Сотувчи» дан транспорт харажатларини талаб қилиш:

Зарур сифатга эга булмаган махсулотлари етказиб берилмаган тақдирда уз таълашига кура:

- Зарур сифатга эга булмаган махсулотлар шунга ухшаш махсулотлар билан алмаштирилишини;
- Камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар ёхуд «Харидор» ёхуд учинчи шахслар томонидан тугриланиши харажатларини коплашни;
- Баҳосини мутанозиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш:

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланиши «Сотувчи» дан талаб килиш.

3.2. «Харидор» нинг мажбуриятлари:

Уз буюртманомаси буйича етказиб берилган махсулотларни мазкур шартномага мувофик қабул килиш:

3.3. «Сотувчи» куйидаги хукукларга эга:

Етказиб берилган махсулотлари учун олдиндан ҳақ туланиши ва амалдаги конун харажатлари белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб килинишини Харидордан талаб килиш:

Берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган махсулотларни қабул қилшса асоссиз рад этилиши зарар копланишини «Харидор»дан талаб килиш.

3.4. «Сотувчи» куйидагиларга мажбур:

«Харидорга» махсулотларни мазкур шартноманинг назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатларда, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар уз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгаришга йул қуйилмади, конун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Етказиб берилган махсулотларни қабул қилиш топшириш далолатномалари тузилган сан шартномалар буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампда курсатилган сана етказиб берилган махсулотларига ҳақ тулаш буйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланди.

4.4. «Харидор» нинг розилиги билан товар, хом-ашё махсулотари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Харидор» томонидан қабул қилинган махсулотлар учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак булган махсулотлар ҳисобига ҳақ туланади ва ҳисобига утказилди.

4.5. «Харидор» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган махсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Етказиб берилган махсулотлари бевосита «Харидор»нинг масъул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган махсулотлари миқдори, уларнинг сифати курсатилади.

4.7. Мазкур шартномада назарда тутилган махсулотлари етказиб бериш мазкур шартномага мувофик ёки «Харидор»нинг буюрманомасида курсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Сотувчи» Харидорларнинг буюрманомаларини руйхатдан утказиш дафттарини юритади.

4.8. «Харидор» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд махсулотларнинг тегишли туркумларни етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи» ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Етказиб берилаётган махсулотларни сифати, миқдори «Сотувчи» томонидан нотугри аникланиши, уларнинг қиммати нотугри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Сотувчи» ётказиб берилаётган махсулотларнинг сифатини, шунингдек уларни миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган Ушбу суммадан ташқари «Харидор»га нотугри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориди жарима тулайди.

5.2. Агар ётказиб берган товар, ҳом Ашё махсулотларнинг сифати, ассортимент, навлари, стандарт, техник шартлари талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон ётказиб берилган, сифати зарур даражада бўлмаган махсулотлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тулайди.

5.3. Ҳом Ашё махсулотлари ётказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Сотувчи» «Харидор» га белгиланган устамалардан ташқари ётказиб берилиши керак бўлган Ҳом Ашё махсулотларининг 20 фоизи миқдориди жарима тулайди. Жаримадан ташқари, «Сотувчи» «Харидорга» Махсулотларни ётказиб бериш натижасида ётказилган зарарни тулайди.

5.4. Ҳом Ашё махсулотларни ётказиб бериш кечиктирилган ёки тулик ётказиб бермаган тақдирда «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмини 0,5 % миқдориди пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси ётказиб берилмаган ҳом Ашё махсулотлари қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмасилиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларни бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва ҳом Ашё махсулотлари ётказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулик ётказиб берилмаслиги туфайли ётказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Ётказиб берилган ҳом ашё махсулотлари учун уз вақтида ҳақ туламаган «Харидор» «Сотувчига» муддати кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 % миқдориди пеня туланади, бироқ бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 % ортиқ бўлмасилиги керак.

5.6. «Сотувчи»нинг айби билан шартноманинг «Харидор» томонидан бажарилмасилиги (зарур тарзда бажарилмасилиги) натижасида ётказилган зарар белгиланган тартибда «Сотувчи» томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

6. Низоларни ҳалқ этиш тартиблари.

6.1. Қелишмовчиликлар ва низоли масалалар қелиб қиккан тақдирда, меҳмонлар, қоидага қура, мустақил равишда улар судгача ҳал этиш қораларини қурадилар.

6.2. Қелишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белигланган тартибда ҳал қилинади.

7. Форс - мажор.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «Ёнгин, сув тошқини шу қабил бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади:

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

8. Бошка шартлар.

8.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда хужалик суди томонидан хал қилинади.

8.2. Шартнома хар иккала томоннинг бевосита келишувга биноан бекор қилиниши мумкин.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган булиб, унинг бир нусхаси «Сотувчи»да иккинчи нусхаси «Харидор»да сакланади.

9. шартнома муддати.

9.1. Шартнома томонлари имзоланиб ғазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириб ва 31.12.2022 гача амал қилади.

9.2. шартнома 2 нусхада тузилиб иккала нусхаси хам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

10. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

“Сотувчи ”

“Asl Standart invest 2000” МЧЖ

Манзил: Андижон ш

х/р: 2020 8000 7055 6115 7002

Банк номи: СКБ Бунедкор БХМ

МФО: 00440 СТИР: 309807435

Рахбар:  И.Кутликов

(имзо)

(ФИШ)

М. ў.

“Харидор”

Хўжобод туман МТБ таълим бўлими

Манзили: Хужаобод т Саноатчи МФЙ

Ш.х/р 100022860032367091100251003

ИНН: 305156008; ОКОНХ: 92400

Ғазначилик бўлинмаси номи: Хужаобод
туман ғазначилиги бўлими Молия

Вазирлиги ғазначилиги ягона ғазначилк
х/р 23402000300100001010

Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ,
МФО 00014, СТИР 201122919

Рахбар:  Н.Мирзакаримова

(имзо)

(ФИШ)

М. ў.


**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

LU8631338033

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **MAHSULOT ETKAZIB BERISH SHARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Xo'jaobod tumani maktabgacha ta'lim bulimi tomonidan 16.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Xo'jaobod tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



B.B.YUSUPBEKOV

21.11.2022

“Тасдиқлайман”

Хўжаобод туман мактабгача таълим

бўлими мудирининг:  Н.Мирзакаримова

2022 йил “ 12 ” ноябр

БАЁННОМА №12

Раислик қилувчи: **Н.К.Мирзакаримова**

Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими мудирининг

Қатнашувчилар: Комиссия аъзолари

Кун тартибида: Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига чиқиндилар учун контейнер сотиб олиш бўйича ўтказилган электрон танлов


натижалари _____


(Н.Мирзакаримова, Ш.Турсунов, А.Мамажонов, М.Усмонова, З.Ўрмонов, Н.Мирзакаримова) Ўзбекистон Республикасининг “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ги 22 апрель 2018 йилдаги №684 Қонунига асосан харид қилинаётган товарлар (иш, хизматлар) махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштирилган. 2022 йил 9 ноябрдаги давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “Хўжаобод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига чиқиндилар учун контейнер сотиб олиш” баённомасига асосан эълон якунига кўра Asl Standart invest 2000 МЧҒолиб деб топилганлиги, харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилганлиги инobatга олинсин.

Ўзбекистон Республикасининг “ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА” ги қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди ва икки иш кун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 12 ноябрдаги баённомасига асосан Abu saif invest МЧҒолиб деб топилганлигини инobatга олиб ушбу ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари

Турсунов Шохмурод Сапарбекович  Бош ҳисобчи

Мамажонов Аббосбек Азамжонович  Иқтисодчи

Ўрмонов Зайнобиддин Холдарович  Эксплуатация бўлими бошлиғи

Усмонова Мавжудахон Ахмедовна  Шартномалар бўйича мутахассис